



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 19 мартдаги ПФ–5969-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳақида

Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш, импорт қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг тезкор тартибда, шу жумладан рухсат берувчи ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келгунга қадар бериш орқали божхона расмийлаштируви механизми жорий этиш ҳамда карантин даврида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун қулай шароитлар яратиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги **қарор қилади:**

1. Четдан кириб келадиган озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва шахсий гигиена воситаларини Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган талабларга мувофиқлигини баҳолашда истисно тариқасида, алоҳида кўрсатма бўлгунга қадар, қуйидаги тартиб ўрнатилсин:

1.1. “Ягона дарча” божхона ахборот тизимида маҳсулот хавфсизлиги тўғрисида Санитария эпидемиология идорасининг хулосаси ҳамда сертификатлаштириш органининг мувофиқликни баҳолаш бўйича аризани қабул қилинганлиги тўғрисида хулосаси асосида, мувофиқлик сертификати расмийлаштирилмаган ҳолда “эркин муомалага чиқариш” божхона режимига расмийлаштирилади.

1.2. Мазкур қарорнинг 1.1. бандида кўрсатилган товарлар учун мувофиқликни баҳолаш натижалари амалдаги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлган тақдирда маҳсулотлар ички бозорда мувофиқлик сертификати асосида эркин муомалага чиқарилади.

1.3. Талабларга номувофиқ деб топилган маҳсулотлар ҳақида “Ягона дарча” божхона ахборот тизимига маълумотлар киритилади ва ушбу импортёр томонидан келгусида келтириладиган маҳсулотлар белгиланган тартибда мувофиқлик сертификатини олган ҳолда “қизил йўлак” орқали назоратдан ўтказилгандан сўнг импорт қилинади.

2. Озиқ-овқат маҳсулотлари мувофиқлигини баҳолаш улар республика чегарасига кириб келгунига қадар, истисно тариқасида, алоҳида кўрсатма бўлгунга қадар, қуйидаги тартибда амалга оширилади:

2.1. Импортёр томонидан тақдим этилган маҳсулот намуналари асосида мувофиқликни баҳолаш ишлари амалга оширилади. Бунда, импортёр томонидан маҳсулотга тааллуқли бўлган маълумотлар (импорт контракти маълумотлари, маҳсулот маркировкасидан нусха, ишлаб чиқарувчи корхона, маҳсулот тўпи миқдори, ишлаб чиқарилган саналари, сериялари) сертификатлаштириш идорасига электрон тарзда “Ягона дарча” божхона ахборот тизими орқали тақдим этилади.

Намуналарнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги тасдиқланган ҳолда аризада кўрсатилган маҳсулот тўпларига мувофиқлик сертификати расмийлаштирилади ва мазкур сертификат асосида кириб келган маҳсулот “эркин муомалага чиқариш” божхона режимига ўтказилади.

2.2. Импорт контракти доирасида кириб келадиган маҳсулотлар хавф таҳлили (риск-анализ) асосида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги даврий равишда текшириб борилади.

2.3. Текширишлар натижасида маҳсулотларнинг талабларга номувофиқлиги аниқланган тақдирда, сертификатнинг амал қилиши тўхтатилади ва бу ҳақда “Ягона дарча” божхона ахборот тизимига маълумотлар киритилади.

3. Ушбу қарор ижроси устидан назоратни амалга ошириш Давлат божхона кўмитаси Раисининг биринчи ўринбосари А.Асамов ҳамда “Ўзстандарт” агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Д.Каттаходжаев зиммаларига юклатилсин.

Давлат божхона
кўмитаси раиси

Тошкент ш.,

2020 йил “ ”
01-02/16-12 -сон



М. Азимов

“Ўзстандарт” агентлиги
бош директори

Тошкент ш.,

2020 йил “27” 03
К-4 -сон



Д. Саттаров